

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

ЖЎРАЕВА МАДИНАХОН АБДУЖАЛИЛОВНА

АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ «АЛ-ФАВОИДУ-З-ЗИЁИЙА»
АСАРИНИНГ ЛИНГВИСТИК ТАДҚИҚИ

10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2023

УДК.801.8
ББК 81
Ж-82

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of the abstract of dissertation on doctor of philosophy (PhD)
on Philological sciences**

Жўраева Мадина Абдужалиловна

Абдурахмон Жомий «Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа» асарининг

лингвистик тадқиқи..... 3

Джураева Мадина Абдужалиловна

Лингвистическое исследование произведения

«Ал-Фаваиду-з-Зияиййа» Абдурахмана Джамии 27

Jurayeva Madina Abdujalilovna

Linguistic study of the work «Al-Fawaidu-z-Ziyaiya»

by Abdurrahman Jami 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 55

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

ЖЎРАЕВА МАДИНАХОН АБДУЖАЛИЛОВНА

АБДУРАХМОН ЖОМИЙ «АЛ-ФАВОИДУ-З-ЗИЁИЙА»
АСАРИНИНГ ЛИНГВИСТИК ТАДҚИҚИ

10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФРАТИ

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Fil1440 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат шарқшунослик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида (www.tsuos.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Содиқов Қосимжон Позилович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Дадабоев Хамидулла Арипович
филология фанлари доктори, профессор

Қосимова Сарвиноз Сайфуллаевна
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil/Tag.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: info@tsuos.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100060, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2023 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2023 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.М.Маннонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Р.А.Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.д., доцент

Х.З.Алимова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида ўрта асрларда яшаб ижод этган Ўрта Осиёлик олимлар ва уларнинг тилшунослик соҳасига оид асарларини ўрганиш бугунги кундаги долзарб тадқиқот йўналишларидан ҳисобланади. Улуғ мутафаккир Абдурахмон Жомийнинг (1414-1492) «Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа» асари ана шундай нодир манбалардан бўлиб, у араб нахвшунослигига бағишланган. Ушбу асар Абдурахмон Жомийнинг араб тилшунослиги соҳасидаги илмий ютуқларидан биридир. Унда араб тили қонун-қоидалари толиби илмларга қулай тарзда баён этилган. Асарни лингвистик жиҳатдан монографик планда ўрганиш, Жомийнинг араб тили грамматикасини ёритишдаги бошқа мумтоз араб нахвшунос олимларининг қарашлари билан ўхшаш ва фарқли жиҳатларини, муаллифнинг тилшунослик соҳасидаги қарашларини тадқиқ этиш диссертация мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Араб тили грамматикасига оид китоблар кўп бўлишига қарамай, Ўрта Осиёда яратилган асарлар юртимиздагина эмас, балки Миср, Саудия Арабистони, Покистон, Ҳиндистон, Туркия каби давлатларнинг бир қатор олий ўқув юртлари, йирик илмий марказларида асосий илмий манба сифатида фойдаланилаётгани ва улар устида илмий изланишлар олиб борилаётгани юртимиз олимларининг илмий салоҳияти ва араб нахвшунослигида ўзига хос ўринга эга эканлигини кўрсатади. «Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа» асрлар давомида мадрасаларда талабаларнинг араб тили грамматикаси бўйича асосий қўлланмалардан бири бўлиб келган. Мазкур асардаги исм, феъл, ҳарф туркумларини лингвистик жиҳатдан ўрганиш, унинг ўз даври араб тилшунослигига қўшган ҳиссасини бошқа асарлар билан қиёслаш ва шу билан муаллифнинг араб тили грамматикасини ёритишдаги ўзига хос усул, ёндашув принципларини очиб бериш араб тилшунослигининг бугунги кундаги долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Мамлакатимизда ота-боболар меросини чуқур тадқиқ қилиш ва уни тарғиб қилиш бўйича қарор ва фармонлар қабул қилинмоқда. «Шу нуқтаи назардан, буюк аждодларимиз бўлган ислом оламининг мутафаккирлари асарларини, уларнинг бутун жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини чуқур ўрганиш, теран англаш ва кенг оммалаштириш алоҳида аҳамиятга эгадир»¹. Бу борада араб тилшунослиги ривожига ўз ҳиссасини қўшган олимлардан бири Абдурахмон Жомий ҳисобланади. «Айни пайтда дунё адабиёти ва маданиятини Абдурахмон Жомийнинг улкан бадиий меросисиз тасаввур этиб бўлмайди. Дарҳақиқат, буюк немис мутафаккири Иоганн Вольфганг Гёте ўзининг машҳур «Ғарб ва Шарқ девони» асарида ёзганидек: «Жомий асрлар маҳсулини йиғиб, бутун диний, фалсафий, илмий, насрий, назмий маданият хулосаларини якунлаб берган эди...». Абдурахмон Жомий асарларини халқимиз севиб мутолаа қилиб келади... Бугунги кунда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. (1-жилд) – Тошкент: Ўзбекистон. 2017. -Б. 35

институти қўлёзмалар фондида Абдурахмон Жомийнинг 46 номдаги асарининг 550 дан зиёд қўлёзма нусхалари сақланаётгани ҳам шоир ижоди асрлар давомида халқимизнинг бебаҳо маънавий хазинасига айланганидан далолат беради»². Жомий асарлари орасида «Ал-Фавоиду-з-Зиёийа» асарини тилшунослик нуқтаи назаридан алоҳида тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5416-сон «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий қўлёзмаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Абдурахмон Жомий «Ал-Фавоиду-з-Зиёийа» асарини ўрганиш ишлари унинг яратилган вақтидан бошланган. Ўтмишда асарга бағишлаб ёзилган ҳошиялар унинг ўрта асрлар илмида кенг ўрганилганига ишора қилади. Т.Зиёев «Ал-Фавоиду-з-Зиёийа»нинг Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти³даги қўлёзма ва босма нусхалари» номли мақоласида асарга йигирмадан ортиқ ҳошиялар ёзилганлиги ҳақида айтиб ўтади⁴. Улар орасида энг машҳури Абдуғафур Лорий ҳошиясидир.

«Марказий Осиё ҳудудида «Ал-Фавоиду-з-Зиёийа» асаридан сўнг араб тилининг грамматикасига бағишланган мукамал асар яратилмаган. Ушбу асар ёзилган даврдан бошлаб, бутун Ўрта Осиё ва Идил бўйи татарлари мадрасаларида ҳам асосий дарсликлардан бири бўлиб хизмат қилган»⁵.

² Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. (2-жилд) – Тошкент: Ўзбекистон. 2018. – Б. 335-336.

³ Кейинги ўринларда Ўзбекистон ФА ШИ тарзида берилади.

⁴ «Ал-Фавоиду-з-Зиёийа» асарига Абдуғафур ал-Лорий, Исомуддин, Абдурахмон, Исмағуллоҳ, Сайид Абдулла, Муҳаррам Афанди, Ҳиндий, Мавлавий Шариф, Шайх Ризо, Мирзожон, Содик, Важихуддин, Жавҳарий, Муҳаммад Шариф Хусайний, Мавлавий Қосим, Охунд Шайх Бухорий, Иноят Шайх Бухорий, Абулбақо, Хофиз Қўйкий, Соқий Муҳаммад Балхий, Чалабий, Ходим Аҳмадлар томонидан ҳошиялар ёзилган.

⁵ Шомухаммедов Ш. Абдурахмон Жомий ҳаёти ва ижоди. – Тошкент: 1963. – Б. 83; Яна қаранг: Жомий А. Искандар хирадномаси. Ш.Шомухамедов таржимаси. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1978. – Б. 8.

«Ал-Фавоиду-з-Зиёийа» Марказий Осиё ўлкаларида араб тилининг илмий-назарий грамматикасини ўрганишда асосий манба бўлиб келган.

Мисрлик машхур олим Муҳаммад Тантовий «Нашъату-н-наҳви ва таъриху ашхури-н-нуҳхати» («Наҳвнинг пайдо бўлиши ва машхур наҳвшунослар тарихи») номли асарида Усманийлар салтанати даврида «Ал-Фавоиду-з-Зиёийа» араб тили бўйича асосий қўлланмалардан бири бўлгани ва ушбу асарга хошиялар ёзилгани, хошия устига хошиялар битилгани ҳақида маълумот келтиради⁶.

Абдурахмон Жомийнинг асарлари ҳозирги шарқшуносликда ҳам кенг ўрганилган. Европа ва Россия шарқшунослари Ҳ.Массе, В.Читтик, Ян Ричард, И.В.Гёте, Э.Браун, Е.Э.Бертельс, С.И.Баевский, В.А.Капранов, М.Рейснер⁷, эрон, афгон, озарбайжон ва доғистон тадқиқотчиларидан А.А.Ҳикмат, М.И.Мубаллиғ, Н.М.Ҳиравий, А.Н.Бохарзий, А.Гулиев, Забехулло Сафо, Ж.Г.Алиева, Баҳром Сирус томонидан тадқиқ этилган⁸.

Абдурахмон Жомий асарлари фалсафий-тасаввуфий жиҳатдан ҳам ўрганилган. М.Муҳаммадиев, М.Ражабов, Д.Карамшоев, А.Абдуллоев, А.Сатторов, А.Мирзоев, А.Қурбонмамадов, А.Нуров каби олимлар Абдурахмон Жомий асарларида Нақшбандия таълимоти ва ваҳдат ул-вужуд фалсафасининг моҳиятини ўрганиш, унинг ислом тарихида ўзига хос илғор дунёқараш эканлигини асослаш бўйича фундаментал тадқиқотлар олиб борганлар⁹. Мазкур

⁶ Муҳаммад ат-Тантовий. Нашъату-н-наҳви ва таъриху ашхури-н-нуҳхати. – Миср: Дару-л-маориф, 2005. – Б. 325.

⁷ Masse H. Djami. Le Baharistan. Paris, 1925; Chittik W.C. Ed. De Jami, Naqd al-nosus. Voir introduction, Euvres de Jami; Абдурахмони Чомӣ. Лавойих//Мукаддимаи Ян Ричард. – Техрон: Асотир, 1373; Браун Э. Таърихи адабиёти Эрон. Аз Саъдӣ то Чомӣ//Тарҷумаи А.Ҳикмат. – Техрон, 1948; Е.Э.Бертельс. Джами, Эпоха, жизнь, творчество. – Сталинобод: 1949; Суфизм и суфийская литература//И.Мирзоев таржимаси. – Тошкент: 2005; Навои и Джами. – М.: Наука, 1965; Баевский С.И. Ранняя персидская лексикография XI-XV вв. М., Наука.1989; Капранов В.А. К вопросу о мировоззрениях Джами на язык. – Душанбе: Ирфон, 1965; Рейснер М. Эволюция классической газели на фарси X-XV вв. – Москва: Наука, 1989.

⁸ Ҳикмат А. Чомӣ. – Техрон: Ҳайдарӣ, 1320; Мубаллиғ М.И. Чомӣ ва Ибн Арабӣ. – Кобул, 1343; Ҳиравий Н.М. Шайх Абдурахмони Чомӣ. – Техрон: 1377; Бохарзий А.Н. Мақомоти Чомӣ. – Техрон: Най, 1383; Гулиев А. Абдурахман Жами. – Бакы: 1964; Забехулло С. Таърихи адабиёти Эрон. – Душанбе: Деваштич, 2003; Сирус Б. Оид ба рисолаи арӯзи Чомӣ//Абдурахмони Чомӣ. – Душанбе: Дониш, 1973.

⁹ Афсаҳзод А. Достони “Лайлӣ ва Мачнун”-и Абдурахмони Чомӣ. – Душанбе: Дониш, 1970; Рӯзгор ва осори Абдурахмони Чомӣ. – Душанбе: Дониш, 1980; Чомӣ - шоири ғазалсаро. – Душанбе: Маориф, 1989; Чомӣ - адиб ва мутафаккир. – Душанбе: Ирфон, 1989; Муҳаммадиев М. Зарбулмасалҳо дар “Ҳафт авранг”-и Абдурахмони Чомӣ//Абдурахмони Чомӣ. – Душанбе: Ирфон, 1966; Ражабов М. Абдурахмон Джами и таджикская философия XV века. – Душанбе: 1968; Карамшоев Д. Муносибати Чомӣ ба забон//Абдурахмони Чомӣ. – Душанбе: Дониш, 1973; Абдуллоев А. Қасидаҳои Чомӣ ва баъзе хусусиятҳои онҳо//Абдурахмони Чомӣ. – Душанбе: Дониш, 1973; Сатторов А. Афкори адабӣ ва эстетикӣи Абдурахмони Чомӣ. – Душанбе: Ирфон, 1975; Мирзоев А. Аз равобити адабии Абдурахмони Чомӣ//Сездах мақола. – Душанбе: Ирфон, 1977; Қурбонмамадов А. Эстетика Абдурахмана Джами. – Душанбе: Дониш, 1984; Нуров А. Фарҳанги осори Чомӣ. Дар 2 ҷилд – Душанбе: 1983; Ҳалимов С. Таърихи забони адабии тоҷик. – Душанбе: 2002; Ҳазраткулов М. Ирфони Абдурахмони Чомӣ. – Хучанд: 2014; Гулназарова Ж. Таснифоти маъноии феъл дар “Баҳористон”-и Абдурахмони Чомӣ. – Душанбе: Шучонён, 2011; Ҳасанов А. Нодирағуфторҳои Чомӣ дар қорбурди калимаҳои ёвар//Илм ва навоарӣ. – Душанбе: Сино, 2014; Ҳомидов Д. Қорбурди ойқонимҳо дар “Баҳористон”-и Абдурахмони Чомӣ//Илм ва навоарӣ. – Душанбе: Сино, 2014; Валихўжаев Б. Жомий ва Навоӣ – иҷодий ҳамкорликнинг буюк сиймоси. – Самарқанд: 2004; Ғаниева С. “Донишу фазл гавҳарининг қони” Мавлоно Жомий ҳақида. – Самарқанд: 2004; Н.Комилов. Татаббўга татаббў. – Тошкент: 2005; Ҳайитметов А. Темурӣлар даври ўзбек адабиёти. – Тошкент: Фан, 1996; Қаюмий А. Назм ва тафаккур қуёши. – Тошкент: 1992; Муҳиддинов М. Комил инсон – адабиёт идеали. – Тошкент: Маънавият, 2005; Воҳидов Р. Шарқнинг буюк алломаси. – Тошкент: 1989; Саъдиев С. Нақшбандия ва таъсири он ба адабиёт. – Самарқанд, 2001; Ҳомидов Ҳ. Тасаввуф алломалари. – Тошкент: Шарқ, 2004; Ҳаққул И. Рух ва маъно сорбони. – Тошкент: Фан, 2008; Холмўминов Ж. Жомий ва ваҳдатул-вужуд таълимоти. – Тошкент: 2008;

тадқиқотларнинг асосий қисми адабиётшунослик ҳамда тасаввуфга бағишланган. Уларда Жомийнинг ирфон фалсафаси, Ваҳдат ул-вужудга оид таълимоти Нақшбандия тариқатидаги фалсафий-ирфоний ғояларнинг такомиллашувидаги хизматлари, тариқатнинг ривожлантиришдаги ўрни, шоир лирикасининг лингвопоэтик ва семантик хусусиятлари тадқиқ этилган.

«Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа» асари ҳам ҳозирги шарқшунослар эътиборидан четда қолгани йўқ. Ўзбек адабиётшуносларидан Ш.Шомухамедов¹⁰, А.Ҳайитметов¹¹, тожик адабиётшуносларидан А.Афсаҳзод сингари олимлар асарга умумий жиҳатдан баҳо берганлар¹². Шунингдек, Абдурахмон Жомийнинг ижодига бағишланган тадқиқотларда унинг тилшуносликка оид ана шу асари ҳақида йўл-йўлакай айтиб ўтилган¹³. Тожикистонлик олимлар А.Эмомов¹⁴ ва К.Исмонов¹⁵ «Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа» асарининг ёзилиш мақсади ва унинг тузилиши, илмий аҳамияти ҳақида мақолалар чоп этганлар. Шунингдек, асарнинг дунё фондларида сақланаётган қўлёзмалари ҳақида ҳам бир неча мақола чоп этилган¹⁶.

Таъкидлаш жоизки, Жомийнинг «Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа» асари, айрим илмий мақолалардаги қайд ва ишораларни ҳисобга олмаганда, шу чокқача араб тилшунослиги нуқтаи назаридан монографик тарзда кенг қамровда ўрганилган эмас.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Шарқ мамлакатлари тилларини ўрганиш ва тилшуносликнинг назарий масалалари» мавзуи доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Абдурахмон Жомий «Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа» асарининг араб тилшунослиги тарихида тутган ўрнини аниқлаб, муаллифнинг грамматик категорияларни ёритиш принциплари, йўл-йўриқларини ҳамда уни бошқа классик арабшунослар ишларига қиёслаган ҳолда олимнинг тилшунослик соҳасидаги хизматларини очиб беришдан иборат.

¹⁰ Шомухаммедов Ш. Абдурахмон Жомий ҳаёти ва ижоди. - Тошкент: 1963. – Б. 83.

¹¹ Ҳайитметов А. Абдурахмон Жомий // Маънавият юлдузлари. – А.Қодирий номли халқ мероси нашриёти. – Тошкент: 2001. – Б. 221.

¹² Афсаҳзод А. Лирика Абд ар-Раҳмана Джами (Проблемы текста и поэтики). – М.: 1988. – С. 3.

¹³Бертельс Е.Э. Джами, Таджикгосиздат, 1949. – С. 17; Яна қаранг: Бертельс Е.Э. Джами, эпоха жизнь, творчество. – Сталинабад. 1949. – С. 107-110; Болтабоев Ҳ. Шарқ мумтоз поэтикаси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. 2006. – Б. 47; Болтабоев Ҳ. Шарқ мумтоз поэтикаси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. 2006. – Б. 47.

¹⁴Эмомов А. Лингвистическая и литературная ценность сочинения Абдуррахмана Джами "Ал-Фаваид ад-Дийаййа" или "Шарх-и Мулла" (Журнал Словесность).- Национальная академия наук Таджикистана – Душанбе:2020.-С.63-70.

¹⁵Исмонов К. Абдуррахмони Чомӣ ва "Ал-Фавоид-уз-Зиёия"-и (Вестник таджикского национального университета. Серия филологических наук №2).-Душанбе: 2019.-С.228-233.

¹⁶Исломов З. "Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа"нинг қўлёзма нусхалари. Адабий манбашунослик тўплами. – Тошкент: 1989. - Б. 10-11; Яна қаранг: Исломов З., Зиёев Т. Рукописи «Ал-Фавоид-ад-Дийаййа» Абд ар-Раҳмана Джами, хранящиеся в фонде Института рукописей АН РУ // Сборник. Абд ар-Раҳман Джами. – Тошкент: 1989. – С. 141-164, 165-171.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

«Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа» асарининг тузилиши, Абдурахмон Жомийнинг исм туркуми, феъл ҳамда унинг грамматик шакллари борасидаги назарий фикрларини асослаш;

харф туркумининг таснифи ва таҳлилини амалга ошириш, асардаги араб тили грамматикаси масалаларини илмий-қиёсий таҳлил қилиш;

«Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа» асарида муаллифнинг араб тили грамматикасини ёритиш принципларини тадқиқ этиш;

муаллифнинг сўз туркумлари ҳақидаги назарий қарашларини таҳлил этиш ва уларга муносабат билдириш;

олимнинг морфология ва синтаксис масалаларига оид илмий қарашларини классик грамматик асарлардаги ва ҳозирги тилшунослар фикри билан қиёсий ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Абдурахмон Жомий «Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа» асаридаги араб тилшунослигининг илмий-назарий масалалари олинган.

Тадқиқотнинг предметини Абдурахмон Жомийнинг кейинги давр араб наҳвшунослиги такомилга қўшган ҳиссаси, араб тили морфологияси ва синтаксиси бўйича илмий қарашларини ўрганиш масаласи ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий тавсифлаш, анализ ва синтез, семантик ва қиёсий таҳлил усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

Абдурахмон Жомийнинг «Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа» асарида араб тили грамматикасини ўқитишнинг ўзига хос услубини ишлаб чиққани далилланган; араб тилшунослигининг ҳозирги ҳолати, соҳа терминологиясининг Жомий киритган العهد الخارجى («аниқлик юкламаси») ва (الدَّوَالُ الاربع) *сўзма-сўз*: «тўрт ҳолатга далолат»), خُطُوط («чизиклар», яъни «саҳифага қўшимча ёзув»), عُقُود («бармоқ бўғимлари»), اِشَارَات («ишоралар»), نُصَب («устунлар», яъни «йўл белгилари») истилоҳлари ҳисобига бойиш йўллари исботланган ва араб тили грамматик масалаларини ёритишда қўлланган принципларнинг моҳияти, жумладан, грамматик истилоҳларнинг семантикаси, уларнинг матнда қўлланилиш усуллари, бошқа арабшуносларнинг асарларида учрамайдиган ўзига хос фарқлари асосланган;

асарда Жомий «asmā' u-l-ḥamsa» деб номланган бешта اب (ота), اخ (ака), ذو (эга, соҳиб), هن (нарса), حم (қайнота) отларини яна биттага орттириб, «asmā' u-s-sitta» иборасини қўллагани ва ушбу отлар таркибидаги فو (оғиз) сўзининг فوه ва فوك шакллари, мазкур отлар таркибидаги حم сўзининг фақатгина حموك (қайнотанг (мн)) шаклида kaf ҳарфи kasra, яъни [i] билан ҳаракатланиб, аёл кишига эри тарафидан яқин бўлган қариндоши маъносида ишлатилиши далилланган;

«Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа»нинг араб тили грамматикасига бағишланган бошқа асарлар билан қиёслаш натижасида олимнинг бошқа тилшунослардан фарқли равишда исм туркуми катта эътибор қаратгани ва наҳвшуносларнинг назаридан четда қолган кўплаб синтактик жараёнларнинг содир бўлиш

усуллари, исм туркумидаги сўзларнинг матндаги синтактик вазифалари, семантикаси ва этимологиясини баён этиб, араб тили нахвига хос илмий фикрларни асослаб бергани исботланган;

«Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа» асарини лингвистик тадқиқ этиш асосида Абдурахмон Жомий бошқа муаллифлардан фарқли ўлароқ, араб нахвини янгича усулларда баён қилгани, унинг араб нахвига ёндашувлари ўзидан аввал ўтган бирор-бир олимга эргашиш эмас, балки «Кофия» асаридаги илмий фикрларни асос қилингани ҳолда тамоман ўз ёндашувлари билан талқин этилганлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Абдурахмон Жомий исм туркумига оид бошқа олимлар эътиборидан четда қолган кўплаб хусусиятларни мукамал шарҳлаганлиги далилланган;

Жомийнинг «Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа» асари араб тилшунослиги тараққиёти, хусусан, сўзларнинг семантик ва этимологик хусусиятларини очиб беришга қўшган ҳиссаси асосланган;

«Шарҳи Мулло» асарини ўрганиш орқали унинг араб тилшунослиги тараққиётига қўшган ҳиссаси, морфология ва синтаксис қоидаларининг ёритилиш принциплари ҳамда ўзига хос жиҳатлари илмий далиллар орқали очиб берилган;

асарда семантика масалаларига оид назарий маълумотлар классик ва ҳозирги давр тилшунослари қарашлари билан ёритиб берилган;

«Шарҳи Мулло» асарининг илмий услуби, грамматик категорияларнинг мукамал шарҳланганлиги сабабли асар ўтмишдан бошлаб шу кунгача мадрасаларда араб тилини ўрганишда асосий дарслик ва қўлланма сифатида ўқитиб келинаётгани мисоллар билан далилланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги объектга ёндашув ва қўлланган усулларнинг тадқиқот мақсадига мослиги, назарий маълумотларнинг фундаментал илмий ва махсус манбаларга асослангани, танлаб олинган бадий манбаларнинг тадқиқот предметига мувофиқлиги, назарий қарашлар ва хулосаларнинг амалиётга татбиқ этилгани, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, ундан Ўрта Осиёда араб тили грамматикасига оид дарсликлар ва ўқув қўлланмалари тарихини тўлақонли таҳлил қилиш, араб тили грамматикаси тарихий тараққиёти жараёнларини очиш, уларни тадқиқ қилишда асосий манбалардан бири бўлиб, мумтоз ва ҳозирги араб тили грамматикасига оид дарслик ва қўлланмалар яратишда қўшимча манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, изланиш материалларидан филология таълим йўналишида ўқитиладиган «Асосий шарқ тили (араб тили)» фанини ўқитиш, лингвистика (араб тили) магистратура мутахассислигидаги «Ўрта асрлар араб нахвидан намуналар», «Классик араб матнлари хусусиятлари», «Мутахассисликнинг назарий масалалари» каби ўқув фанларидан маъруза матнлари, дарслик, ўқув қўлланмалар, луғатлар яратиш

ҳамда шарқшунос филологлар учун махсус курслар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Абдурахмон Жомий «Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа» асарининг лингвистик тадқиқи юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

Абдурахмон Жомийнинг Мовароуннаҳр араб тилшунослиги мактабида тутган ўрни, араб тилшунослигидаги хизматлари, араб тилини ўрганиш борасидаги ўзига хос ёндошувлари ҳақидаги илмий маълумотлардан «Ўрта асрлар шарқ олимлари энциклопедияси»ни яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг 2020 йил 23 декабрдаги 02/372-сон маълумотномаси). Натижада, Жомийнинг «Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа» асари ҳақидаги тадқиқот натижалари ўқувчиларда кўпроқ билим ва тушунча ҳосил бўлишида зарур манба бўлиб хизмат қилган;

Абдурахмон Жомийнинг «Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа» асарида араб тили грамматикасини ўқитишнинг ўзига хос услубини ишлаб чиққани, араб тилшунослигининг ҳозирги ҳолати, соҳа терминологиясига Жомий киритган истилоҳлар, араб тили грамматик масалаларини ёритишда қўлланган принципларнинг моҳияти, бошқа арабшуносларнинг асарларида учрамайдиган ўзига хос фарқлари ҳақидаги фикр-мулоҳазалардан Тошкент ислом институтида «Араб тили», «Мантиқ» фанларидан ўқув дарсликларини яратиш, шунингдек, тилга доир илмий-маърифий тадбирлар ташкил этиш, араб тилининг тарихий-маданий меросини тарғиб этиш жараёнларида фойдаланилган (Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2020 йил 24 декабрдаги 2680-сон маълумотномаси). Натижада, Жомий ва унинг бебаҳо илмий меросини ўрганиш борасида, айниқса, исм туркумида шарҳланган аниқлик ҳолати шакллари ҳадислар орқали далилланиши, «лафз» тушунчасининг таснифи каби бир қатор грамматик тушунчаларни муқаддас китоблар ва араб назмидан намуналар келтириш орқали асосланиши билан боғлиқ илмий масалалар ҳақида ўқувчилар кўникма ҳосил қилишида муҳим аҳамият касб этган;

«Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа» асарида Абдурахмон Жомий бошқа муаллифлардан фарқли ўлароқ, араб наҳвини янгича усулларда баён қилгани, унинг араб наҳвига доир ёндашувлари ҳақидаги маълумотлардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «O'zbekiston tarixi» телеканалининг «Мозийдан садо» кўрсатувини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «O'zbekiston tarixi» телеканалининг 2020 йил 30 декабрдаги 01-40-1348-сон маълумотномаси). Натижада, томошабинларга «Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа» асарининг наҳв бўлимидаги илмий янгиликлар, юртимиз олимларининг асарлари ҳозирги кунда ҳам ўз илмий аҳамиятини йўқотмаганлиги ҳақидаги маълумотлар илмий асослар орқали етказилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш: Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 2 таси чет эл журналларида, қолганлари республика ва халқаро илмий-амалий конференциялар тўпламларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва илмий адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 165 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Мовароуннаҳр араб тилшунослиги мактаби ва унда Абдурахмон Жомийнинг тутган ўрни**» деб номланган. Унда «Ал-Фавоиду-з-Зиёийа» асарининг араб нахвшунослиги тарихидаги ўрни, унинг кунимизгача сақланган қўлёзма нусхалари, тошбосма нашрлари ҳамда асарнинг тузилиши ҳақида фикр юритилади.

Мовароуннаҳр ва Хуросонга ислом дини кириб келиши билан араб тилини ўрганишга эътибор берилди бошланди. Академик И.Ю.Крачковскийнинг ёзишича: «VIII асрнинг биринчи ярмида араб тили бутун Хуросон ва Мовароуннаҳрда давлат бошқарув тили сифатида ишлатилди ва ундан, ҳаттоки, ерли аҳоли ҳам фойдаланди»¹⁷. Ўрта Осиё ҳудудида VIII асрнинг иккинчи ярмидан илм-фан тили сифатида араб тилининг мавқеи орта бошлади. Бу борада Абу Райҳон Беруний шундай ёзган эди: «Дунёнинг барча мамлакатларидаги фанлар араблар тилига ўтирилди; улар зийнатланиб, дилларга маъқул бўлди, улардан тил гўзалликлари томир-томирларга тарқалди, гарчи ҳар бир халқ ўз тилини гўзал деб билади»¹⁸. VIII асрнинг охири – IX асрнинг бошларидан Ўрта Осиёлик олимлар араб тилини кенг миқёсда тадқиқ эта бошладилар ва айримлари араб тили грамматикаси устозлари сифатида ҳам доврўф қозондилар. Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Фаробий, Маҳмуд Замахшарий, Абдурахмон Жомий каби улўф ватандошларимиз ўзларининг араб

¹⁷Қаранг: Маматохунова Д.К. Мирзиётов Ш.М. Араб филологиясига кириш. – Тошкент: 2010. – Б. 16.

¹⁸Очерки истории арабской культуры (V—XV вв.). – М.: Главная редакция восточной литературы издательства «Наука», («Культура народов Востока»). 1982. – С. 6.

тилшунослигига оид асарлари билан араб нахвшунослиги равнақига салмоқли ҳисса кўшдилар.

VIII асрнинг охири – IX асрнинг бошларида Хоразмда, IX-XI асрларда Бухоро, Самарқанд, Қарши, Фарғона, Шош каби шаҳарларда араб тилини ўрганишга кенг эътибор берилди бошлади. XII асрга келиб, бу соҳа ўзининг ривожланиш чўққисига етишиб, Мовароуннаҳр араб тилшунослиги мактаби вужудга келди ва бутун ислом оламига танилди бошлади. Ушбу мактаб намояндалари араб тилшунослигининг ривожланиши ва назарий асосларини яратишда муҳим роль ўйнади.

Абдурахмон Жомий форс мумтоз адабиётининг кўзга кўринган вакили бўлиши билан бир қаторда, ўз даврининг таниқли тилшуноси ҳам эди. У араб тили билимларини юқори даражада эгаллаган.

Илк ўрта асрларда араб тили грамматикасига оид машҳур асарлардан бири Ибн Ҳожибнинг «ал-Кофия фи-н-наҳв» китоби эди. Ибн Ҳожибнинг тўлиқ исми Абу Амр Усмон ибн Умар ал-Курдий бўлиб, бу зот асли курд миллатига мансуб. Илм оламида Ибн Ҳожиб номи билан танилган, тахаллуси Жамалиддин. Отаси подшоҳ саройида эшик оғаси бўлган. Бундай унвонни араб тилида «ҳожиб» дейилади. Шунинг учун олим ўз тахаллусини Ибн Ҳожиб, яъни «эшик оғасининг ўғли», деб номлаган. Ибн Ҳожиб Қоҳира яқинидаги Асно шаҳарчасида 570/1174 йилнинг охирларида таваллуд топган.

Ибн Ҳожибнинг «Кофия» асари Шарқда жуда машҳур бўлиб, мактаб ва мадрасаларда наҳв бўйича асосий қўлланмалардан бирига айланган эди. Хусусан, XV–XIX асрларда бу асар ниҳоятда кўп кўчирилган, кўплаб шарҳлар ёзилган, таржималар қилинган. Абдурахмон Жомийнинг фарзанди Зиёвуддин Юсуф араб тилини шу китоб бўйича ўқир экан, дарсни ўзлаштиришда катта қийинчилик сезади. Шунда Жомий унинг аҳволини тушуниб, «ал-Кофия»га махсус шарҳ ёзган. Жомий ушбу шарҳни ўғлига атаб ёзгани учун уни «Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа», яъни «Зиёвуддинга маслаҳатлар» деб атади. Кейинчалик ушбу асар халқ орасида «Шарҳи Мулло» номи билан танилган¹⁹. Жомий ўз китобининг охирида «897 йил 11 рамазон шанба куни эрталаб тугатдим», – дейди. Бу сана 1492 йилнинг 7 июлига тўғри келади. Демак, Жомий бу китобни умрининг охирида ёзган. Ушбу асар бутун Ўрта Осиё ва ҳатто Идил бўйи татарлари мадрасаларида ҳам дарслик сифатида ўқитилган²⁰. Ибн Ҳожибнинг асари мактаб ва мадрасаларда Жомийнинг ана шу шарҳи ёрдамида ўқитиладиган бўлди. Бу китоб «Шарҳи Мулло», «Ал-Фавоид фи шарҳ «ал-Кофия», «Шарҳи Кофия», «Шарҳи «Кофия»-йи Ибн Ҳожиб», «Шарҳи Жомий», «Ал-Фавоид аз-Зиёиййа фи илм ал-Кофия» каби номлар билан шуҳрат қозонган²¹.

Жомий Темурийлар даври илм-фани ва адабиётининг фахри, шарқ шеърятини янги юксакликка кўтарган сўз санъаткори ҳисобланади. Шу билан бирга, унинг араб тили грамматикасини ўрганиш ва ўргатиш борасида қилган

¹⁹ Зиёев Т. Рукописи «Ал-Фавоид-ад-Дийаййа» Абд ар-Раҳмана Джами, хранящиеся в фонде Института рукописей АН РУ // Сборник. Абд ар-Раҳман Джами. – Т., 1989. – С. 164.

²⁰ Шомухаммедов Ш. Абдурахмон Жомий ҳаёти ва ижоди. – Т., 1963. – Б. 83.

²¹ Афсаҳзод А. Лирика Абд ар-Раҳмана Джами (Проблемы текста и поэтики). – М., 1988. – С. 3.

ишлари эътиборга лойиқдир. «Шарҳи Мулло Жомий» асари «Кофия» шарҳлари орасида тушунарли услуб ва чиройли тилда ёзилгани, тўлиқлиги билан ажралиб туради.

«Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа» йирик ҳажмли ва жуда муҳим илмий аҳамиятга молик манбадир. Ушбу асар муқаддима ва уч бобдан иборат бўлиб, унда умумий ҳисобда 92 та грамматик мавзу ёритилган. Асарда анъанавий «басмала» ва кириш сўздан сўнг асарнинг ёзилиш сабаблари ҳақида батафсил маълумот берилган, ундан кейин «сўз» ва «гап»га таъриф берилган. Айниқса, асарнинг муқаддимаси юксак баҳолат даражасида битилган.

Асарнинг қўлёзма нусхалари дунёнинг йирик қўлёзма фондларида сақланмоқда. Ҳозирда мавжуд шарқ қўлёзма асарлари каталогларида унинг турли йилларда кўчирилган кўплаб нусхалари учрайди²².

Асарнинг қўлёзма нусхалари ҳақида «Рукописи Ал-Фавоид-ад-Дийаййа» Абд ар-Рахмана Джами, хранящиеся в фонде Института рукописей АН РУ» тўпламида қуйидаги маълумот келтирилган: «Фақат Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти фондида 80 дан ортиқ қўлёзма нусхаси тўпланган. Булардан 2 таси XV аср, 14 таси XVI асрда, 10 таси XVII асрда, 14 таси XVIII асрда ва 40 дан ошиғи XIX асрда кўчирилган нусхаларидир»²³. «Шарҳи Мулло»нинг 120 дан ортиқ қўлёзма нусхаси мавжуд бўлиб, улардан 115 таси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондидадир.

А.Ўрунбоев ва Л.Епифанов Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган қўлёзмаларнинг қисқача изоҳи билан 53 нусхасини келтирган²⁴. Шунингдек, А.А. Семенов каталогида²⁵ Филология қисмида инв. кат. 09/910 «Шарҳи Мулло» ва унинг хошиялари (Шарҳи Лорий ва «Шарҳи Мулло Жомий»нинг бошқа шарҳлари, хошиялари) ҳақида батафсил маълумот берилган.

Кейинги йилларда ушбу манбанинг институт фондига қўшилиб, юқоридаги рўйхатга кирмаган нусхалари 50 дан ошади.

Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган «Шарҳи Мулло»нинг яна бир нодир нусхаси 12001 рақамли қўлёзмадир. Институт картотекасида мазкур асарнинг ёзилган йили ҳижрий 897 деб қайд этилган. Аммо қўлёзма колофони (охирги саҳифаси)ни синчиклаб ўрганиш жараёнида унинг кўчирилган йили 983 Рабиъу-л-аввал ойида экани маълум бўлади. Демак, картотекада ушбу қўлёзманинг китобат санаси юз йилга адашилган. Ҳижрий 983 сана милодий 1575–1576 йилга тўғри келади.

Мазкур чалкашликка қарамай, бу қўлёзма институт асосий фондидаги «Шарҳи Мулло»нинг энг қадимий нусхаси ҳисобланади. У жами 261 варақ,

²²Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР, Изд-во Академии наук УзССР. – Т.: I Т, 1952, 408, – С. 180.

²³ Қаранг: Зиёев Т. Рукописи «Ал-Фавоид-ад-Дийаййа» Абд ар-Рахмана Джами, хранящиеся в фонде Института рукописей АН РУ // Сборник. Абд ар-Рахман Джами. – Т., 1989. – С. 165.

²⁴ Арабские рукописи Института востоковедения АН ССР. Краткий каталог, часть I. – М.: Наука, 1986, 7210-7286, – С. 317-319; Каталог арабских рукописей Института истории.

²⁵ Семенов А.А. Описание персидских, арабских и турецких рукописей Фундаментальной Библиотеки Среднеазиатского государственного университета. – Т., 1935. – С. 59.

яъни 502 бетдан иборат. Котиби Шоҳ Муҳаммад бин Мавлоно Муҳаммад Шариф. Китоб вақф қилинган. Унинг охиридаги «Бу китобни Мулло Солих валади Мулло Бобожон фий сабилиллоҳ вақф қилди...» қайди шунга далолат қилиб турибди.

Мазкур қўлёзма «Шарҳи Мулло»нинг Тошкент фондларидаги энг қадимий нусхасидир. Матн майда хатда ёзилган, уни ўқиш анча қийин.

Биз тадқиқотда, асосан, «Шарҳи Мулло»нинг Ўзбекистон ФА ШИ фондида сақланаётган 9665 рақамли қўлёзмасидан фойдаландик. Бу қўлёзма биринчидан, хуснихат ва саводли кўчирилгани билан аҳамиятли. Иккинчидан, у «Шарҳи Мулло»нинг энг безакли, матни тўлиқ бўлган нусхаларидандир. Қўлёзма 1205 сана (милодий 1790-1791 йил)да настаълиқ аралашган насх хатида кўчирилган. Жами 280 варақли. Лавҳали. Ҳар саҳифада 19 қатордан матн битилган. Котиби – محمد شريف بن ملا عوض بدل محمد البلخي Муҳаммад Шариф ибн Мулло Аваз Бадал Муҳаммад Ал-Балхий²⁶.

«Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа» асарининг қўлёзмалари ҳақида 1989 йилда «Рукописи «Ал-Фавоид-ад-Дийаййа» Абд ар-Рахмана Джами, хранящиеся в фонде Института рукописей АН РУ // Сборник. Абд ар-Рахман Джами» тўпламида умумий ҳисобда 106 та қўлёзма нусхаси ҳақида маълумот берилган. Ушбу қўлёзма нусхадан 10 таси Т. Зиёев, 96 таси З. Исломовлар томонидан тавсифланган. Ҳозирга келиб, «Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа»нинг рўйхатга олинган қадимий қўлёзма нусхалари сони 116 тани ташкил этади. Булардан 115 та нусхаси Ўзбекистон ФА ШИ қўлёзма фондида, бир нусхаси Ўзбекистон ФА Алишер Навоий номли давлат адабиёт музейида сақланмоқда. Бундан ташқари, асарнинг бир қатор қўлёзма ва тошбосма нусхалари Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг қўлёзмалар фондида ҳам сақланмоқда.

«Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа»нинг тошбосма нусхалари ҳам талайгина бўлиб, Абдурахмон Жомийнинг мазкур асари биринчи марта 1818 йили Калькуттада босилган. 1819 йили Истанбулда чоп этилди. Кейинроқ Туркия, Эрон, Миср, Ҳиндистон каби мамлакатларда босилиб чиқди. Баъзи йирик шаҳарларда бир йилда бир неча марта чоп этилганлиги ҳақида маълумотлар бор²⁷.

Тадқиқотни ёзиш жараёнида «Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа» асарининг Ўзбекистон ФА ШИ қўлёзма фондида сақланаётган 47 та тошбосма нусхаси билан танишиб чиқилди²⁸. Асарнинг тилшунослик таҳлилига Ўзбекистон ФА

²⁶ Қўлёзманинг ўлчови 14x23см. Китоб муқоваси – картонга тери копланган. У қаҳва рангида бўлиб, муқоваси уч тамғали, яъни учта бўртма нақши бор. Унда саҳҳофнинг исми-шарифи: ملا محمد حكيم صحاف (амали Мулло Муҳаммад Ҳақим саҳҳоф). Муқованинг ички томонига безак ишланган бўлган, ҳозирда бироз униқиб, рангини йўқотган. Исм, Феъл ва Ҳарф бобларининг ҳар бирига унвон (лавҳа) ишланган. Китобда жами тўртта безакли лавҳа (унвон) ишланган. Бу нусха аввалида фикрист берилган. Қўлёзманинг бу ва бошқа хусусиятлари унинг махсус буюртма билан китобат қилинганидан далолат беради. Ҳозирда қўлёзма таъмирталаб: унинг йиртилган, жилдидан ажралган варақлари бор.

²⁷Қаранг: Зиёев Т. Рукописи «Ал-Фавоид-ад-Дийаййа» Абд ар-Рахмана Джами, хранящиеся в фонде Института рукописей АН РУ // Сборник. Абд ар-Рахман Джами. – Тошкент: 1989. – С. 170.

²⁸ Ушбу нусхалар 19337, 11280, 7496, 13013, 18701, 7595, 18983, 11216, 7514, 7523, 7491, 15603, 12568, 6425, 12532, 7561, 8989, 7607, 12435, 14430, 18702, 20316, 18701, 15076, 15431, 20125, 10379, 15431, 16350, 8338, 8402, 7608, 7487, 18703, 10380, 8398, 12587, 7078, 17566, 18704, 18705. 10963, 7609, 10364, 10410, 11237, 7475 рақамлари остида рўйхатга олинган тошбосмалардир.

Шининг қўлёзмалар фондида сақланаётган 8338 рақамли тошбосма нусхаси жалб этилди.²⁹

«Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа» асарининг тузилиши қуйидагича: асарнинг биринчи боби الاسم «Исм» деб номланган. Асарнинг бу қисми ҳажм жиҳатидан бошқа бобларга нисбатан анча катта. Ушбу бобда аввал исм туркумига таъриф берилган ва бу туркумга оид 71 та мавзу батафсил баён этилган. Исmlар боби асарнинг асосини ташкил этиб, мазмунан жуда бойдир.

Асарнинг иккинчи боби الفعل – феъл туркумига бағишланган бўлиб, феълга таъриф бериш билан бошланади. Асарнинг феълга бағишланган қисми 10 та мавзудан иборат.

Асарининг учинчи боби الحرف – ҳарф, яъни ёрдамчи сўзлардир. Ушбу мавзуда боғловчи, юклама ва олд кўмакчилар ҳақида тўлиқ маълумот берилган. Бобда ҳарф туркумининг 16 та тури баён этилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа» асарида араб тили грамматикасининг ёритилиш принциплари» деб номланган. Ушбу бобда асардаги араб тили синтаксиси ва морфология қоидаларининг ёритилиши тадқиқ этилган.

«Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа»да синтаксис масаласи المرفوعات – «Бош келишиқдаги исmlар» фаслида исмий ва феълий гап тарзида таҳлил этилган, ушбу гаплардаги бош бўлақлар, хусусан, исмий гапда المبتدأ و الخبر феълий гапларда эса, الفاعل و الفاعل нинг синтактик муносабати илмий асосланиб, таҳлил этилган.

Жомий "معرب" – «Турланадиган (ёки ўзгарадиган) исmlар» борасидаги илмий фикрларини келтирар экан, олим исmlарнинг 3 та келишиқда ўзгаришини изоҳлаш билан бирга, мазкур келишиқларнинг гапдаги синтактик вазифаларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтган.

Жомий "معرب" – яъни турланадиган сўз, охириги унли ҳарфи ўзгарадиган сўз эканлигини таъкидлайди. Бу ўзгаришлар омилларнинг ҳар хил бўлиши сабабли эканлигини таъкидлаб, улар сўзларни бошқарувчи воситалар эканлигини айтади³⁰.

Жомий келтирган қоидалар асосида, иккита янги муҳим маълумотга дуч келамиз. Биринчиси, одатда араб тилшунослигида «asmau-l-ḥamsa» деб номланган бешта сўз (اب, اخ, حم, هن, فو) бирлик сонда келиб, изофанинг мудофи вазифасини бажарганда, унинг келишиги ҳаракатлар билан эмас, ҳарфлар ёрдамида шаклланади. Аммо Абдурахмон Жомий ўз шарҳида Ибн Ҳожибнинг мазкур исmlарни яна биттага орттириб, «asmā' u-s-sitta» иборасини

²⁹ Ушбу тошбосма нусха Исомуддин ҳошияси билан 1827 йилида Муҳаммад Абдулаъло Мадросий томонидан тайёрланган. Китобнинг нашр этилган жойи аниқ кўрсатилмаган. Тахминан Ҳиндистонда чоп этилган. Муқоваси қалин картондан бўлиб, устига яшил рангли қоғоз ёпиштирилган. Ўртада тилла ранг гул нақш ва унинг ости-устиди муқоваловчининг муҳри бор. Шарҳ қилинаётган сўзлар устига қора чизик тортилган. Тошбосма 292 варақ, ҳажми катта бўлиб, ўлчами 32x23,5см. Ушбу тошбосма нусха нашр этилган даврининг қадимийлиги, тўлиқлиги, хатининг аниқ ва равлонлиги, тўлиқ ва яхши сақланганлиги билан бошқа нусхалардан ажралиб туради.

³⁰ Масалан, ³⁰ نَظَرْتُ إِلَى السَّمَاءِ (Осмонни булутлар тўсди), حَجَبَتِ السُّحُبُ السَّمَاءَ (Осмонга карадим) жумлаларидаги "سَّمَاءٌ" сўзи турланадиган сўзларга мисол бўла олади. Сабаби, ³⁰ نَظَرْتُ إِلَى السَّمَاءِ (Осмонга карадим) жумлада "damma", иккинчи жумлада "fatha", учинчи жумлада эса "kasra" ҳаракат билан берилган. حنفى ناصف و محمد دياب و مصطفى طوموم و محمد صالح "الدروس النحوية" القاهرة. 2007م. 21 ص.

қўллаганлигини таъкидлаб ўтган ва мазкур исмларнинг олтинчиси *فو* (оғиз) сўзидир. Шунингдек, Жомий *فو* сўзи аслида *فوه* бўлиб, *و* ҳарфи *hazf*, яъни туширилиб қолдирилиб, *فوك* шаклини олганлигини алоҳида қайд этган. Яна шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, бошқа наҳвга оид классик асарларда кўпинча *هن* сўзи «asmau-l-ḥamsa» таркибига киритилмайди. Одатда, бу сўз араб қабилаларида кўпинча салбий маънода ишлатилади, шу боис ҳам *هن* сўзи мазкур таркибга киритилмаган бўлиши ҳам мумкин. Иккинчи муҳим янгилиги: Жомий келтирган «asmā'u-s-sitta» таркибидаги *حم* сўзи бўлиб, бу сўзнинг фақатгина *حموك* (қайнотанг (мн)) шаклида ишлатилишидир. (*hamūki* (*حموك*)) сўзининг – *ك* «*kāf*» ҳарфи *kasra*, билан ҳаракатланади, чунки, *الحم* (қайнота) сўзи, аёл кишига эри томонидан яқин бўлган қариндоши маъносида ишлатилади).

Абдурахмон Жомий: «*ال* (alif va lām) сўзидаги *ال* (alif va lām) турдош от(ни аниқлаш) учундир, *ة* (та марбута) эса бир доналикни ифодалашга хизмат қилади», – дея изоҳлайди. «Ал-Фавоиду-з-Зиёийа» асарида *ال* - аниқлик артиклининг барчага маълум бўлган ҳолати, яъни унинг исмга қўшилиб келиши сабабини Жомий³² *العهد الخارجي* истилоҳи билан ифодалайди. Муаллиф мазкур истилоҳни илк бор қўллаб, илмий истифодага киритган. Ушбу термин барча учун маълум бўлган исмга қўшилиб келадиган *ال* - «ал» аниқлик артикли маъносини англатади.

Маълумки, араб тили грамматикасида *ال* аниқлик артикли дунёда ягона бўлган предметни ифодаловчи ёки исм сўз туркумига кирувчи олдиндан маълум бўлган сўз олдига қўйилади. Аммо ҳозирги араб тили грамматикаларида *ال* аниқлик артиклининг бундай сўзлар олдида келишига нисбатан *العهد الخارجي* истилоҳи ишлатилишини кўрмаймиз.

Абдурахмон Жомий *الكلمة* ва *الكلام* сўзларига таъриф берар экан, аввало бу сўзнинг ўзагини ва уларнинг туб маъносини мукамал шарҳлаган. Жумладан, бу икки сўзнинг *كلم* «*klm*» ўзагидан ясалгани. Бу сўзнинг «*lām*»и «*sukūn*»ли бўлса, (ўзак сўз) «*жароҳат*», деган маънони англатиши, агар *ل* - *السُّكُون* сўзида *ل* - *lām kasra*ли келса, бунда сўз ҳам бирлик ҳам кўплик маъносида ифодаланишини айтиб ўтган. Шунингдек, Жомий *حرف* ҳарф туркумига кирувчи сўзларни ва *صَوْت* товуш сўзларини (الكلمة) «сўз» санамайди. Жомийдан аввалги наҳвшунос олимлар ушбу сўзларни Жомий каби туб маъносини шарҳлашмаган, фақат уларга умумий таърифни келтириб ўтиш билан чекланганлар.

Одатда, араб тили луғатларида *لفظ* сўзининг маъноси жуда кенг тасниф этилади. Масалан, бу сўз: «туфламок; ажратиб чиқармок; рад қилмок; чиқариб ташламок; талаффуз қилмок, гапирмок; талаффуз; сўз; ифода»³³ каби маъноларни ифодалайди. *الملفوظ* сўзи эса - «чиқарилган, чиқариб ташланган; талаффуз қилинган» маъноларини беради.

Жомий *لفظ* (сўз)нинг турларини тавсифлаб, бошқа наҳвшунос олимлар асарида учрамайдиган қуйидаги муҳим маълумотларни келтирган: жумладан, ҳақиқий лафз (яъни сўз)га таъриф бериб, инсон ўз тили билан гапириб

³¹ (FZ.4b).

³² (FZ.4b).

³³ Қаранг: Носиров О., Юсупов М. Ан-На'им. Арабча-ўзбекча луғат. – Т.: А.Қодирий, 2003. – Б. 754.

талаффуз этадиган сўзларга айтилишини таъкидлаш билан бирга, ҳақиқий лафз (яъни сўз)га Қуръони каримдаги Аллоҳ таолонинг ва фаришталар ва жинларнинг ҳам сўзларини киритади ва нима учун киритилишини ҳам илмий асослаб беради. Шунингдек, олим لفظ (сўз) ҳисобланмайдиган الدَّوَالُ الاربع яъни тўрт ҳолатга далолат қилувчи нарсаларни ҳам алоҳида шарҳлаб ўтган, булар:

1. حُطُوط – чизиклар, яъни вараққа чизилган хат ёки нақш;
2. عُقُود – қўл бармоқларидаги бўғимлар;
3. إِشَارَات – ишоралар – кўз, қўл ёки қош билан қилинган ишоралар;
4. نُصَب – устунлар, яъни йўл белгилари;

Бундай мукамал маълумотлар бошқа классик наҳвга оид асарларда учрамайди.

Абдурахмон Жомий «Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа» асарида араб тилида тўлиқ турланмайдиган исмлар ҳақида батафсил фикр юритган. Мавзу тўлиқ изоҳланган. Ушбу мавзуда учрайдиган грамматик қоидаларни ёритишда Жомийнинг ўзига хос ёндашуви кузатилади. Жумладан, исмларнинг тўлиқ турланмаслиги масалалари ҳозирги кун талабларига жавоб берадиган тамойил билан изоҳланганини кўришимиз мумкин.

Шунингдек, асарнинг бошқа манбаларда кузатилмайдиган ўзига хос яна бир жиҳати шундаки, унда Жомий Замахшарийга эргашган ҳолда синтактик жараёнларнинг содир бўлиш сабабларини, аслиятини ва этимологиясини келтирган. Жомий бу сабабларни алоҳида мавзу остида бирлаштириб, ҳар бир сабабни илмий асослаган.

Тадқиқотнинг учинчи боби «Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа» асарида сўз **туркумлари баёни**» деб номланган. Ушбу бобда исм туркумининг Абдурахмон Жомий тарафидан амалга оширилган талқини, асарда феъл туркумининг ёритилиш принциплари, ёрдамчи сўз туркумлари ва уларнинг Жомий тарафидан қилинган таснифи баён этилган.

Абдурахмон Жомийнинг «Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа» асари тўққиз бобга бўлинган бўлиб, уларнинг ҳар бири яна алоҳида фаслларга бўлиб шарҳланган. Асарнинг муқаддимаси, шунингдек, биринчи бобдан то еттинчи бобгача бўлган қисми исм туркумига бағишланган. Ушбу туркум асарнинг бошқа бобларига нисбатан ҳажм жиҳатидан катта бўлиб, муҳим илмий аҳамиятга эга.

Асарда исмга қуйидагича таъриф берилади: *الإِسْمُ مَا دَلَّ عَلَى مَعْنَى فِي نَفْسِهِ غَيْرَ* ³⁴ *مُقْتَرَنٍ بِأَحَدِ الْأَرْبَعَةِ الثَّلَاثَةِ* – «Исм мустақил маънога эга ва учта замондан бирига тегишли бўлмайди». Яъни исм туркумида замон тушунчаси мавжуд эмас. Асарда яна айтиладики:

الإِسْمُ وَهُوَ مَا أُخُوذُ مِنَ السُّمُوِّ وَهُوَ الْعُلُوُّ لِاسْتِعْلَائِهِ عَلَى أَخْوِيهِ حَيْثُ يَتَرَكَّبُ مِنْهُ وَحَدَهُ الْكَلَامُ دُونَ ³⁵ *اسْمِ - أَخْوِيهِ*. «Исм» - у *السُّمُوِّ* сўзидан олинган бўлиб, «юқори», «баланд», «олий» маъноларини англатади. Чунки, исм ўзининг биродарларига (яъни, феъл ва ҳарф туркумларига) нисбатан юқори бўлгани учундир чунки, исмсиз феъл ёки ҳарф жумла бўла олмайди, (лекин исм феъл ва ҳарф туркумларисиз жумла бўла олади)», - дея таъриф берилган.

³⁴ (FZ.5b).

³⁵ (FZ.11b).

қилувчи юкламаларни ҳамда муаннас жинснинг تاء ҳарфини феъл охирига қўшилишида эканлигини таъкидлаган.

Ибн Хожиб феълнинг асосий хусусиятини таърифлаш билан чекланган. Жомий эса феълнинг белгилари ва хусусиятларини тўлиқ санаган. Олимларнинг хулосасига кўра, феъл иш-ҳаракатнинг замонини ифодалаб, мустақил маънога эга бўлган сўзлардир.

Жомий феълнинг майл юкламалари билан келишини ҳам таъкидлаган. Олим феъл майлларининг шакли, уларнинг қўлланиш ўринлари, муайян шаклни алоҳида талаб қилиб келувчи юкламаларнинг маъноларини тўлиқ очиб берган.

Абдурахмон Жомий «феъл» бобининг ўтган ва ҳозирги -келаси замон шакли, буйруқ шакли, ўтимли ва ўтимсиз феъллар, мажхул нисбат, гумон ва (ишончли) билиш (ёки ўйламоқ ва ҳисобламоқ)ни ифодаловчи маъноли феъллар туркуми, ёрдамчи феъллар, иш-ҳаракатнинг яқинлигини билдирувчи феъллар, ҳайрат (таажжуб)ни ифодаловчи феъллар, мақтов ва таҳқир феъллари ҳақида тўхталиб ўтган. Олим мазкур туркумга кирувчи ҳар бир феълнинг гапдаги вазифаларини, маъноларини аниқ ва тўлиқ шарҳлаб, муносабат билдиради.

«Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа»да шундай дейилади: ⁴⁰ – وَيَنْتَصِبُ بِأَنْ و لَنْ و كَيْ و إِذَنْ ⁴⁰ «(Ҳозирги-келаси замон феъли (ушбу тўртта юклама)) إِذَنْ , كَيْ , لَنْ , أَنْ билан насб (истак майли шаклида) ҳолатида бўлади».

Жомий шарҳида ушбу тўрт юкламанинг асл кўриниши ҳақида мумтоз арабшунос олимларнинг фикрларини ҳам келтириб ўтади: قال الفراء اصله لا ابدل الالف نونا و قال الخليل اصله لا ان فقصر كما بحذف الف لا و همزة ان في اى شىء و قال سيبويه انه حرف براسه و إذن قيل اصله إذ ان فخفت و قيل اصله إذا الظرفية فنون عوضا عن المضاف اليه.⁴¹

– «(Яхё ибн Зиёд) Фарро لَنْ (юкламаси) аслида لا эди ва alif ни тушириб, унинг ўрнига [sukūn]ли ن қўйилди, дейди. Халил(ибн Аҳмад) эса ان ла бўлади, деган. Ўртадаги ا ва ن а нинг ҳамзасини тушириб қолдирилгандан сўнг لَنْ бўлди, дейдилар. Шайх Сибавайҳи эса لَنْ ўз олди билан бир ҳарф, деди. إذن эса аслида إذан эди. Уни енгиллаштириб, إذن қилинди. Баъзилар эса аслида إذا الظرفية дир ва إذان даги tanvin-[tanvin]и эваз бўлиб, мудофун илайҳи (мослашмаган аниқловчи)дан эваздир, деган».

Араб тилшунослари ўртасида ушбу юкламаларнинг туб ёки ясама эканлиги борасида мунозарали фикрлар бор. Абдурахмон Жомийнинг Яхё ибн Зиёд Фарронинг таърифини бошқа олимлар фикридан аввал келтиришини ҳисобга олсак, Жомий Фарронинг фикрини кучли деб ҳисоблайди. Аммо олим мазкур юкламаларнинг аслияти ҳақида ўз фикри билан муносабат билдириб аралашмайди, олимлар фикрини келтириш билан кифояланади.

«Ал-Фавоиду-з-Зиёиййа» асарида Жомий ноанъанавий равишда ҳар бир феъл майлларини, уларнинг инкор шаклини синтаксисда қўлланиш ўринларини баён этиш билан бирга, улар учун муайян шаклни талаб қилувчи юкламаларнинг маъносини ва уларнинг асли ҳақидаги мунозарали фикрларни

⁴⁰ (FZ.293a).

⁴¹ (FZ.293a).

ҳам феъл бобида шарҳлаб ўтган. Жомийнинг бу каби баён услуби тил соҳиби бўлмаган кишига мавзуни ўз ўрнида ўзлаштириб, асл моҳиятини англашни осонлаштиради.

Ҳозирги-келаси замон феълнинг насб (истак майли шакли) ҳолатида келишини талаб қилувчи *إِنَّ, كَيْ, لَنْ* юкламаларининг грамматик нуқтаи назардан қандай шаклда ясалгани ва ўзгаришга учраганини Жомийнинг берган маълумоти орқали билиб олиш мумкин. Муҳими, араб тилшунослигига оид бошқа асарларда бундай тўлиқ маълумот учрамайди. Бу маълумотлар «Ал-Фавоиду-з-Зиёийа» асарининг юксак илмий аҳамиятини белгилиб беради.

